

## **2. Жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 60-моддасига риоя қилинмаганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилинди**

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг 2003 йил 28 июлдаги ҳукмига асосан Р. ЎзР ЖК 25, 97-моддаси 2-қисмининг «г,ж,о» бандлари, 25, 169-моддаси 3-қисмининг «а» банди, 169-моддаси 3-қисмининг «а» банди, 276-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан ЎзР ЖК 59-моддасига асосан 20 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

Шу суд апелляция инстанциясининг 2003 йил 19 августдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, Р.га ЎзР ЖК 59-моддаси тартибида тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддати камайтирилиб, 18 йилга келтирилган.

Суднинг ҳукмига кўра Р. қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этган.

2003 йил 28 апрель куни Р. тунда Ургут шаҳридаги дехқон бозорида жойлашган савдо дўконига кириб, анча миқдордаги мулкни ўғирлаётган пайтда бозор қоровули С. томонидан жиноят устида ушланган. С. уни қўйиб юбормасдан, бошқа шахсларни ёрдамга чақирган. Р. содир этган жинояти учун жавобгарликдан қутулиш ва С.нинг кўкрак қисмига бир неча марта пичоқ уриб, воқеа жойидан яширинган. С.нинг ҳаёти унга ўз вақтида ёрдам кўрсатилганлиги туфайли сақлаб қолинган. 2003 йил 3 май куни тунда Р. Ф.га тегишли бўлган хусусий дўкондан анча миқдордаги мулкни такроран ўғирлаган. 2003 йил 28 апрель куни ички ишлар ходимлари томонидан Р.нинг уйида тинтув ўтказилганда, у томонидан қонунга хилоф равишда сақланаётган 0,035 г. «героин» гиёҳвандлик моддаси топилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари томонидан келтирилган протестда суд қарорларини бекор қилиб, жиноят ишини янгидан судда кўриш учун юбориш масаласи қўйилган.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 2004 йил 27 январь куни қуйидаги асосларга кўра протестни қаноатлантирди.

Жиноят иши материалларига қараганда Р. муқаддам Ургут туман судининг 2002 йил 28 июндаги ҳукмига кўра ЎзР ЖК 226-моддасининг 1-қисми билан 1 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган бўлиб, Зангиота туман судининг 2003 йил 17 мартдаги ажрими билан жазонинг 3 ой 11 кунини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод этилган, бироқ ҳукмда белгиланган жазо муддати тўлиқ тугамай, 2003 йил 28 апрелда янги жиноят содир этган.

Биринчи инстанция суди Р.га жазо тайинлашда унинг жазони ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганлигига эътибор бермаган ва ЎзР ЖК 60-моддасига мувофиқ, янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмаган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшиш масаласини муҳокама қилмаган. Бу билан биринчи инстанция суди Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 ноябрдаги «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 2.5 ва 2.7 бандлари талабларини бузган.

Апелляция инстанцияси суди ҳам биринчи инстанция судининг бу хатоларига эътибор бермаган.

***03-70-04 сонли ажрим***